БУГУНГИ СОНДА:

• 1-бет:
АЛЛОМА ҲАБИБ АБДУЛЛАЕВНИНГ 80 ЙИЛЛИГИ ЗЎР ТАНТАНА БИЛАН НИШОНЛАНДИ.
ШАРОФ РАШИДОВ НОМЛИ ЖАМҒАРМАГА ТОШКЕНТЛИКЛАР 50 МИЛЛИОН СЎМ ЎТКАЗАДИЛАР.

• 2-бет:
ЎЗГА САЙЁРАЛИКЛАР ПАХТАКОРЛАРГА ЁРДАМГА КЕЛИШДИ. «ҒОЙИБОНА АЛОҚАЛАР» НАТИЖАСИДА ПАХТАЧИЛИКДА ЯНГИЛИК ЯРАТИЛДИ.

• 3-бет:
«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» ГАЗЕТИ МИНТАҚАЛАРАРО ТАНЛОВДА БИРИНЧИ ДАРАЖАЛИ ДИПЛОМ БИЛАН МУКОФОТЛАНДИ.
БИЗНИ КЕЧИР, ОНА ТАБИАТ...

• 4-бет:
«БОЛАСИНИ ЎЛДИРГАН ОТА» — «ЭЙ ХУДО, НИМА ГУНОҲ ҚИЛГАН ЭДИМКИ, БОШИМГА БУНДАЙ ҒАВҒО СОЛАСАН!»
СТАЛИННИНГ ИСМИ НЕЧТА?

Ватан севмак иймондандур!

Ўзбекистон ОВОЗИ

Газетага 1918 йил 21 июнда «Иштирокиюн» номи билан асос солинган

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газети • Нархи 3 сўм.

1992 йил 6 октябрь, сешанба № 196 (21.294).

АЛЛОМАНИ ШАРАФЛАБ

● Мустақиллик шарофати билан босиб ўтган йўлимизга, ҳаётимиз, туриш-турмушимизга бутунлай бошқача назар ташланаётган шу кунларда совет ҳокимияти йилларида ҳам Ватанимиз истиқлоли истиқболини кўра олган, шу мақсадда жонини жабборга берган одамлар бўлганидан фахрланасан, киши. Ҳабиб Абдуллаев деганда, шундай фидойи инсон кўз ўнгимизда гавдаланади.

Алишер Навоий номли ўзбек давлат катта академик опера ва балет театрининг муҳташам залига ташриф буюрган республика раҳбарлари, жамоатчилик намояндалари, олиму фозиллар, алломанинг сафдошлари ва шогирдлари, ёру биродарлари ва дўстлари, ўшлик бир гуруҳ юртдошлари, Ҳамдўстик мамлакатларидан келган меҳмонлар Ҳабиб Абдуллаев хотирасига ҳурмат бажо келтирдилар.

СУРАТДА: тантаналар пайти.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг президенти М. Салоҳиддинов буюк олим таваллудининг 80 йиллигига бағишланган тантанали мажлисни очиб, Ҳабиб Абдуллаевнинг ҳаёти ва ижтимоий фаолияти, илмий кашфиётлари, фанга қўшган мислсиз ҳиссаси ҳақида маъруза қилди.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ислом Каримов мажлисда сўзга чиқиб, Ҳабиб Абдуллаев қисқа умр кўрганига қарамай, туғма истеъдоди, туфайли Ватани, халқи бахт-саодати йўлида улкан ишларни қилишга улгурганини, эл-улус нинг чексиз меҳрини қозонган буюк юртдошимизнинг беминнат хизматларини алоҳида таъкидлади.

И. А. Каримов Ҳабиб Абдуллаев маъракаси муносабати билан унинг номидаги медаль таъсис этилганини, бу медаль она юртимизнинг олий сифатли олтинидан тайёрланганини, биринчи нусхаси Фанлар академияси умумий йиғилишининг қарорига мувофиқ академик, Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон Республикаларида хизмат кўрсатган фан арбоби, Абу Райҳон Беруний номидаги давлат мукофотининг совриндори, Ҳабиб Абдуллаевнинг шогирди ва сафдоши И. Ҳамробоевга топширилишини айтганида, залда гулдурос қарсаклар янгради. Ислом Абдуғаниевич олимнинг кўксига олтин медални тақиб, мукофотланганлик тўғрисидаги дипломни топширади.

И. Ҳамробоев мукофотни қабул қилиб олар экан, ватан фани тараққиётига бундан кейин ҳам муносиб ҳисса қўшажагини, бу йўлда куч-қувватини аямаслигини айтиб, юксак мукофот учун республика раҳбарларига, Фанлар академиясига, уни тарбиялаб шу кунларга етказган она халқига самимий миннатдорлик изҳор этди.

Ҳабиб Абдуллаев таваллудининг 80 йиллигига бағишланган тантанали мажлис Ўзбекистон санъат усталарининг катта концерти билан ниҳоясига етди.

Маросимда Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Раиси Ш. Йўлдошев, Республика Бош вазири А. Муталов, Бош вазир ўринбосари М. Қорабоев, Республика Президенти ҳузуридаги Давлат котиби Р. Ражабов, Тошкент шаҳар ҳокими А. Фозилбеков қатнашдилар.

(ЎзА).

Мауно КОЙВИСТО Ватанига жўнаб кетди

Ўзбекистонга расмий ташриф буюрган Финляндия Президенти Мауно Койвисто ҳамда унга мамлакатимиз бўйлаб сафарида ҳамроҳлик қилаётган Президентимиз Ислом Каримов 2 октябрь куни тушдан кейин Бухорога келдилар.

Финляндия ва Ўзбекистон Республикалари давлат байроқлари билан безатилган Бухоро аэропортида олий мартабали меҳмонларни вилоят ҳокими Д. Ёдгоров, вилоят ҳокимининг биринчи муовини М. Раҳмонов, Бухоро шаҳри ҳокими У. Носиров ва бошқа расмий кишилар кутиб олдилар.

Финляндия Президенти ва унинг рафиқаси Бухоронинг таърифи етти иқлимга кетган тарихий-меъморий обидалари — Амир Саид Олимхон ёзги дала ҳовлиси — Ситораи Мохи Хоса, ўн еттинчи асрда бунёд этилган Девонбеги ансамблига кирувчи Лаби ҳовуз, масжид ва мадраса, Сомонийлар мақбараси, Чашмаи Аюб ва бошқа ёдгорликларни зўр қизиқиш билан кўздан кечирди. Олий мартабали меҳмон Президентимиз ҳамроҳлигида Бухоро районидаги Усмон Юсупов номли жамоа хўжалигида бўлиб, пахтакорлар, механизаторлар билан суҳбатлашди.

Кечқурун Бухоро вилояти ҳокимлиги олий мартабали меҳмонлар шарафига зиёфат берди. Зиёфат олдидан Финляндия Президенти ЎзА мухбири И. Сафаров билан мусоҳабада, жумладан, шундай деди:

— Ўзбекистонда уч кунгина бўлдим. Таассуротларим катта. Ислом Каримов билан кўп масалаларда фикримиз бир жойдан чиқди. Аминманки, ушбу ташрифдан сўнг Финляндия—Ўзбекистон алоқалари янги босқичга кўтарилади. Республикангиз Президентининг узоқни кўзлаб олиб бораётган изчил халқпарвар сиёсати ўзининг ажойиб самараларини беради, албатта. Буни ишонч билан айтишимнинг боиси шундаки ана шу сиёсат туфайли Ўзбекистон Ўрта Осиё минтақасида энг осойишта мамлакат бўлиб қоляпти.

Финляндия Президенти М. Койвисто шу куни Бухородан Хельсинкига жўнаб кетди. Бухоро аэропортида олий мартабали меҳмонни Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов, Бухоро вилояти ҳокими Д. Ёдгоров ва бошқа расмий кишилар кузатиб қолишди.

* * *

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов шу куни Тошкентга қайтиб келди.

(ЎзА).

ЕРДА ИЗИНГ ҚОЛГАН, ГЕОЛОГ!

● Янги-янги шаҳарлар ва саноат марказларининг пайдо бўлиши, йирик илмий кашфиётлар шу инсоннинг ҳаёти ва фаолияти билан боғланган. Ҳабиб Муҳамедович Абдуллаев — жаҳонга номи чиққан истеъдодли геолог олим, Франция геология жамиятининг, Буюк Британия минерология жамиятининг фахрий аъзоси қилиб сайланган. Унинг назарий ва амалий асарлари Ўзбекистондаги кўпгина руда конларининг очилиши, республикада рангли металлургиянинг барпо этилиши учун асос бўлиб хизмат қилди. Олимнинг илмий башоратлари туфайли очилган конларнинг шарофати билан Ўзбекистон харитасида Олмалиқ, Навоий каби шаҳарлар пайдо бўлди.

Шу кунларда республика жамоатчилиги атоқли олим, давлат арбоби, академик Ҳ. М. Абдуллаев туғилган куннинг саксон йиллигини кенг нишонламоқда. Шу санага бағишлаб 3 октябрь куни Ўзбекистон Фанлар академиясида юбилей илмий конференцияси ўтказилди. Унда Қирғизистон Фанлар академиясининг президенти И. Т. Айтматов, Қозоғистон, Туркманистон, Тожикистон, Россия Федерацияси илмий жамоатчилигининг намояндалари, олимнинг қариндошлари ва ёр-биродарлари қатнашдилар.

Республика Фанлар академиясининг президенти М. С. Салоҳиддинов конференцияни кириш нутқи сўзлаб очди. Унда сўзга чиққан Ўзбекистон геология ва минерал ресурслар давлат комитетининг раиси Т. Ш. Шоёқубов, республика Фанлар академияси геология ва геофизика институтининг директори И. Ҳ. Ҳамробоев, бошқа олимлар Ҳ. М. Абдуллаевнинг геология фанини ва Ўзбекистон минерал-хом ашё ресурсларини ривожлантиришга катта ҳисса қўшганлигини таъкидлаб ўтдилар. Олим 1962 йилда вафот этган бўлса-да, унинг кўпгина асарлари ҳозир ҳам ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ.

Истеъдодли илм-фан арбоблари орасида Ҳ. М. Абдуллаев ҳақли равишда етакчи ўринлардан бирини эгаллаб турганлиги қайд этилди. Деҳқон фарзанди бўлган Ҳ. М. Абдуллаев таниқли давлат арбоби даражасигача кўтарилди, фан соҳасида ёрқин из қолдирди. Ўрта Осиё индустриал институти кончилик факультетининг талабаси бўлиб юрган чоғидаёқ Ҳабиб Муҳамедович Тянь-Шан тоғ тизмаларининг геологиявий тузилишини қизиқиб ўрганди. Бир қанча нодир металл конларини ўрганишда қатнашди. Ўқиш чоғидаёқ у машҳур геологлардан С. Ф. Машковцев, Б. Н. Наследов, А. В. Королев ва бошқаларнинг ижодий меросини қунт билан ўрганганлиги унинг ҳаётий йўлини кўп жиҳатдан белгилаб берди.

Унинг илк жиддий илмий тадқиқоти Лангар Вольфрам-Молибден руда конининг геологиявий тузилиши, минерология таркиби ва келиб чиқишига бағишланди. Шу муаммо юзасидан у муваффақиятли равишда ёқлаган фан номзоди диссертациясиёқ геология фанига муҳим ҳисса қўшди. У 27 ёшида мамлакат геология мутахассислари етиштирувчи етакчи макон — Москва геология-қидирув институтида аспирантура бўлимига раҳбарлик қилди. У 28 ёшида — Ўрта Осиё индустриал институтининг директори бўлди. Шу ерда у мамлакатдаги биринчи металлогения кафедрасини ташкил этди.

Тошкентда ёш олим руда конлари соҳасидаги тадқиқотларни давом эттирди. Шу тариқа салобатли умумлашма асар юзага келди, бу асар ҳамон геологларнинг асосий китоби бўлиб хизмат қилиб келмоқда. Мазкур монография минтақанинг минерал-хом ашё базасини ривожлантиришда катта аҳамиятга эга бўлди.

Улуғ Ватан уруши йилларида мана шундай истеъдодли ташкилотчилар туфайли Ўзбекистон Украинадан, Россиянинг марказий вилоятларидан кўчириб келтирилган бутун саноатни қабул этиб, жойлаштиришга ва дарҳол ишга туширишга муваффақ бўлди. Ҳ. М. Абдуллаев Ўзбекистон КП(б) Марказий Комитети саноат бўлимининг мудири, шунингдек, республика Халқ Комиссарлари Кенгаши раисининг ўринбосари ва Госплан раиси лавозимларида ишлаб, оғир уруш йилларида ва урушдан кейинги дастлабки йилларда республика оғир саноатининг узлуксиз ишлаши, қора металлургиянинг Бекободдаги тўнғич корхонасини барпо этиш, уни хом ашё билан таъминлаш масалаларини ҳал этди.

Фойдали қазилма конларини ўрганувчи металлогения Ўрта Осиё мактабининг вужудга келиши Абдуллаевнинг номи билан боғланган. Бу мактаб чет элларда эътироф этилган. Ҳ. М. Абдуллаев руда ҳосил бўлиши ва металлогения назариясига оид салобатли тадқиқотлари учун Ленин мукофотига сазовор бўлди. Шу ишларнинг натижаси ўлароқ фойдали қазилмаларнинг ҳосил бўлиши ва жойланишига таъсир қиладиган энг муҳим геология омиллари таърифлаб берилди. Орадан неча ўн йиллар ўтган ҳозирги вақтда ҳам кўпгина олимлар илмфандаги шу йўналишни ривожлантирмоқдалар.

Абдуллаев Ўзбекистон Фанлар академиясида гидрогеология, геология ҳамда нефть ва газ конларини қидириш, ёқилғидан фойдаланиш, сув муаммолари, ядро физикаси, кончилик иши институтларини, шунингдек, Ўрта Осиё геология ва минерал хом ашё тармоқ илмий тадқиқот институтини ташкил этишга кўп куч ва ғайрат сарфлади.

Ўлкасини жондан севган олим унинг истиқболларига ишонарди. Олимлар республиканинг бой минерал конларини ўрганмоқдалар. Бу ерда олтин, газ, нефть, рангли ва нодир металл рудаларининг янги-янги конлари очилди. Ўзбекистон сийнасида Менделеев жадвалидаги деярли ҳамма элементлар топилди. Бу муваффақиятлар кўп жиҳатдан Ҳ. М. Абдуллаевнинг фаолияти туфайлидир. У ўз шогирдлари ва издошларига 130 тадан ортиқ илмий асар қолдирди.

Олим Ленин ордени, иккита Меҳнат Қизил Байроқ ордени, учта Қизил Юлдуз ордени, «Ҳурмат белгиси» ордени билан мукофотланган эди.

1962 йилда Ўзбекистон Фанлар академиясининг геология ва геофизика институтига Ҳ. М. Абдуллаев номи берилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан Тошкент техника университетининг геология-разведка факультетида олим номидаги стипендия таъсис этилди. Унинг хотираси метро станциясининг номида, Тошкентнинг марказий кўчаларининг бирида абадийлаштирилган.

Олимни хотирлаш куни Чиғатой қабристонида Ҳ. М. Абдуллаев ҳайкали пойига гуллар қўйиш маросими бўлди. Бу маросимда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари М. Қорабоев, таниқли олимлар, руҳонийлар ва пойтахт жамоатчилигининг намояндалари қатнашдилар.

(ЎзА).

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ислом КАРИМОВ жаноби олийларига

Ўзбекистон
Тошкент

Президент жаноблари,

Ўзбекистонга қилган расмий ташрифимдан кейин Финляндияга қайтиб бормасимдан аввал менга, рафиқамга ва Финляндия делегациясига тайёрланган ажойиб сафар режаси учун Сизга сидқидилдан ташаккур айтмоқчиман. Мамлакатингизнинг анъанавий меҳмондўстлигини юксак қадрлаймиз. Ўрта Осиё маданиятининг буюк тарихий обидаларини зиёрат қилиш эса биз учун, айниқса, мароқли бўлди.

Ташриф чоғидаги суҳбат ва муҳокамаларимиз Финляндия билан Ўзбекистон ўртасидаги муносабатлар жуда яхши ҳолатда эканлигидан аниқ-таниқ далолат беради. Гарчи биз умумий йўлимизнинг илк босқичида турган бўлсак ҳам қулай тараққиёт учун ҳамма имкониятларимиз бор.

Шу мавриддан фойдаланиб, Сизни ва рафиқангизни Финляндияга ташриф буюришга яна таклиф этаман. Бу ташриф бизга икки мамлакатимиз ўртасидаги муносабатларни янада мустаҳкамлаш соҳасидаги ишни давом эттириш учун яна бир имконият беради.

Мауно КОЙВИСТО,
Финляндия Республикасининг Президенти.

Тошкент: Шароф Рашидов фондига 50 миллион!

Адҳамбек ФОЗИЛБЕКОВ,
Тошкент шаҳри ҳокими

Атоқли давлат ва жамоат арбоби Шароф Рашидов ўз умрининг энг гўзал, самарадор ва катта қисмини Тошкент шаҳрида ўтказди. Жумҳурият пойтахтининг ҳашаматли бинолари, кўркам майдонлари ва хиёбонлари, улкан иншоот ва ям-яшил кўчаларининг манзараларида шафқатли қалбли инсоннинг нигоҳлари сақланиб қолган.

ШАРОФ аканинг меҳри Тошкентга нисбатан ўзгача эди. Зеро, тошкентликлар у кишини ғоят қадрлардилар. Республика раҳбари сифатидагина эмас, балки ушбу азим шаҳарнинг энг ватанпарвар, донишманд фуқароси сифатида, биринчи навбатда айни шу шаҳар аҳолиси тирикчилиги, турмуш ташвишлари ҳақида қайғурувчи юрт оғаси сифатида севардилар. Турли байрамлар муносабати билан ўтган тантаналарни эслайлик. Анъанавий намойишларда меҳнаткашларнинг вакиллари минбар атрофидаги ранги совуқ портретларга эмас, Шароф акага яқинлашганда дилдан чиқариб қарсак чалишар, овозлари етганча у киши билан салом-алик қилишар эди.

Тошкентликларнинг кўпини Шароф Рашидов шахсан танирди. Айниқса, у киши республикага раҳбарлик қилган йилларда тараққий этган корхоналарнинг ишчи-хизматчилари, машҳур қурувчилар Шароф акани яхши эслашади. Мен бир пайтлар ишлаган «Миконд» заводининг қад ростлаши, ишлаб чиқариши кенгайишида республика отасининг алоҳида хизматлари борлигини сира унутмайман. Фан-техника тараққиётига у киши шахсан ғамхўрлик қилганлиги, бу тармоқлардаги энг майда муаммоларни ҳам мутахассислардан эшитиб, тез кун ичида муносиб даражада ҳал қилиб берганлигини илмий муассасаларда ҳануз мамнуният билан ёдга олишади. Шаҳарда ишлаб ижод қилган академикдан тортиб оддий ходимларгача улар олиб бораётган илмий тадқиқотларни меҳрибон ва зийрак раҳ-

(Давоми иккинчи бетда).

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»ГА ОБУНА БЎЛИШНИ УНУТМАДИНГИЗМИ?

ЭЪТИҚОД

Бу одамни Олтиариқда кўпчилик танийди. Узоқ йиллар мактабда ўқитувчилик қилиб, нафақага чиққач, маориф аълочиси Юнусали Эминов райондаги «Дебоча» болалар ашула ва рақс ансамблини ташкил этган. Бугунги кунда бутун республикага довруғ таратаётган Охунжон Мадалиев, М. Тўхтасинов, М. Иброҳимова сингари истеъдодли санъаткорларнинг илк қадамлари мана шу дастада ташланган.

Юнусали аканинг иккинчи касби жамоатчи мухбирликдир. У ўз ҳаётини газета-журналларсиз серғовға, мухбирликсиз тасаввур эта олмайди. Унинг мақолалари, очерк, фельетонлари «Ўзбекистон овози»да кўп марта чиққан. Бозор иқтисодиёти шароитида газета-журналларнинг аҳволи мушкуллашиб, тиражлар пасайиб кетгани маълум. Мана шундай шароитда Юнусали ака ажойиб ташаббус билан чиқди. У «Ўзбекистон овози» газетасига шахсан ўзи обуна ташкил этишга киришди. Ҳеч қандай манфаатдорлик, мукофотга даъвосиз, фақат қадрдон газетасига бўлган чин эътиқоди туфайлигина у бу хайрли ишга қўл урди. Қўлида квитанциялар билан маҳаллалар, давлат ва жамоат идораларини кезади. Одамларни «Ўзбекистон овози»га обуна бўлиши учун тарғиб ва ташвиқ этади ва ўша ернинг ўзида муштарийнинг пулини олиб, обуна варақасини тўлдириб беради. Охунбобоев номли жамоа хўжалигида яшовчи О. Бобоев, Олтиариқ қишлоғидан Қ. Тошпўлатов, Р. Иброҳимов, Полосан қишлоғида яшовчи А. Муҳиддинов ва бошқа ўнлаб муштарийларнинг узоғини яқин қилди. Уларнинг уйларига бориб, ўша ернинг ўзида обунани расмийлаштирди. Ҳозирги кунга қадар Юнусали аканинг якка ўзи 50 дан ортиқ одамни «Ўзбекистон овози»га обуна қилишга эришди.

Сентябрь ойи ўрталарида Ўзбекистон Халқ демократик партияси Фарғона вилоят кенгашида бўлган йиғилишда Юнусали Эминов тажрибасини кенг оммалаштириш, бу хайрли ишда партия фахрийлари фаолларини жалб этиш тавсия этилди.

— Мен халқ демократик партиясига аъзо бўлдим, — дейди кекса муаллим. — «Ўзбекистон овози»нинг эса 50 йиллик муштарийсиман. Шу газетага эътиқод ва муҳаббатим туфайли ўтган йили ҳам якка ўзим салкам 70 минг сўмлик обунани ташкил этган эдим. Тўғри, замон оғир, ҳар бир оила бюджетида ҳар сўмнинг ўз ўрни бор. Аммо мен борган хонадонлар, маҳалла ва идораларда «Ўзбекистон овози»га бажонидил обуна бўлишяпти. Зеро, бу газета халқимизнинг қалби ва онгига сингиб кетган. Кейинги пайтларда газетада жиддий ижобий сифат ва мазмун ўзгаришлари бўлганлигини ўқувчилар таъкидлашяпти.

Юнусали ака Эминов бу йил якка ўзи 600 кишини «Ўзбекистон овози» газетасига обуна қилишга жазм этган. Ҳиммат ва эътиқодингизга офарин, фидойи отахон!

Алишер ИБОДИНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ОБУНАЧИЛАР КЎПАЙМОҚДА

● Ўрта Чирчиқ район партия кенгаши вақтли матбуот нашрларига обунани уюштиришда ташкилий ишларнинг турли шаклларидан фойдаланишга ҳаракат қилмоқдалар.

Район кенгаши биринчи котиби И. Неъматиллаевнинг таъкидлашича, обуна масаласи уч марта кенгаш мажлисига қўйилган. Хўжаликлар, ташкилотлар, идоралар раҳбарлари, бошланғич ташкилотлар котиблари билан алоҳида гаплашилган. Бу мулоқотлар айни пайтда ўз самарасини бера бошлади. Жумладан, «Гулистон» жамоа хўжалигида «Ўзбекистон овози» газетига 80 нафар муштарий ёзилди. Хўжалик агроном-энтомологи Саидкарим Содиқов эса жами 1,5 минг сўмлик нашрга обуна бўлди. У янги йилдан бошлаб 6 номдаги газет ола бошлайди. Ўлмас Солиев, Туморбек Душабеков, Тошкан Зикряев сингари газетхонлар эса 5—7 номдаги газет ва ойномаларга ёзилдилар.

Райондаги «Ҳақиқат» жамоа хўжалигида ҳам обуна ишлари дуруст олиб борилмоқда. Бу ерда «Ўзбекистон овози»га ёзилганлар сони юз нафардан ошди. Карим Эгамов, Абубакир Жангибоев, Бахтиёр Аҳмедов сингари муштарийлар минг сўмликдан зиёд нашрларга ёзилдилар.

Турли миллат аъзолари меҳнат қилаётган Тўйтепадаги 74-автокорхона ишчи-хизматчиларидан 20 нафар газетхон янаги йилдан «Ўзбекистон овози»ни ўқий бошлайди.

Районнинг бошқа хўжалик, ташкилотларида ҳам обуна қизғин давом этмоқда.

А. МАННОПОВ.



• Республика Президенти И. А. КАРИМОВнинг «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» китобини ўқиб

ТАРАҚҚИЁТ УФҚЛАРИ

Республика мустақиллигининг бир йиллиги арафасида Ўзбекистон Президенти И. А. Каримовнинг «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» номли рисоласи яратилди. Ўтиш даврида, мураккаб иқтисодий ва сиёсий жараёнда ёзилган бу асарнинг «Ўзбекистон овози» газетаси саҳифаларида чоп этилгани ҳам айни муддао бўлди. Зеро мустақил Республикамиз аҳолиси Президентимизнинг миллий истиқлолимизга бағишлаб ёзган бу китобини катта қизиқиш билан кутиб олди.

Жумладан, Жиззах вилоятининг 20 мингга яқин Халқ демократик партияси аъзолари ҳам асар моҳиятини онгли тушунган ҳолда омма ўртасида ташвиқот қилишмоқда. Халқ бу асарнинг чуқур мазмуни ва долзарблигини эътироф этаяпти.

Бугунги кунда республикамиз иқтисодий қийинчилик шароитида бундай асарнинг яратилиши мустақиллигимизга ҳадиксираб қаровчилар учун истиқлол моҳиятини кўрсатиб берувчи асаргина эмас, балки мустақил Ўзбекистоннинг яқин келажакда нималарга қодирлигини кўрсатувчи манбаа ҳамдир. Президент И. Каримов асарининг ҳар бир бўлимида мустақиллик шароитида тараққий этишда Ўзбекистоннинг ўз йўли борлиги, ёрқин келажак ва ҳаққоний демократик тузумга замин яратиш учун халқ ва давлат бир бутун яхлит ҳолатда Конституцияга бўйсуниб ҳаракат қилиши аниқ ва лўнда акс эттирилган.

Гарчи қийин бўлсада Ўзбекистон бугун ўз йўлини танлаб олди. Республикамиз мавқеи дунё мамлакатлари томонидан тан олиниб, у БМТга аъзо бўлди. Топталган инсон ҳуқуқлари яна қайта тикланмоқда. Ижтимоий адолат қоидаларини рўёбга чиқариш, аҳолининг энг ночор қатламлари — кексалар, ногиронлар, етим-есирлар, кўп болали оилалар, ўқувчи-ёшларнинг давлат томонидан ижтимоий муҳофазаси доимий эътиборда бўлаётир. Чунки мустақил мамлакатларда инсонни ижтимоий муҳофаза қилиш тизими кенг қўлланилади, бунга ниҳоятда муҳим аҳамият берилади. Бизнинг шароитимизда эса фуқаролар тотувлигини сақлаб қолиш ҳам ижтимоий кафолат сирасига киради.

ХДПнинг вилоят, шаҳар ва район кенгашлари фаоллари жойларда олиб бораётган сиёсий тарғиботташвиқот ишларида, ҳар ойда ўтаётган «Мулоқот» кунларида асардан муҳим қўлланма сифатида унумли фойдаланмоқдалар. И. А. Каримовнинг янги асари юзасидан вилоятнинг Октябрь, Фориш, Пахтакор, Бахмал, Зомин, Ғаллаорол районлари давлат хўжаликлари, дала шийпонларида бўлган суҳбатларда меҳнаткашлар бу асар ўзларида жуда яхши таассурот қолдирганлигини алоҳида таъкидладилар.

Б. ЎТАЕВ,
ХДП Жиззах вилоят кенгаши партия ташкилотчиси.

МУЛОҚОТ МАВЗУИ— ПРЕЗИДЕНТ КИТОБИ

ХДП вилоят кенгаши ташаббуси билан ўтказилган йиғилишда вилоят ҳокимининг ўринбосари Ж. Исроилов ва ХДП вилоят кенгаши котиби Ў. Носиров жумҳурият Президенти Ислом Каримовнинг «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» китобининг аҳамияти, рисолани омма ўртасида тарғиб қилиш хусусида сўз юритдилар.

Эртаси куни йиғилиш иштирокчилари меҳнат жамоаларига жўнаб кетишди. Жойлардаги учрашувларда ХДП фаоллари рисола ғояси билан аҳолини таништирдилар. Улар ишчи-хизматчиларнинг меҳнати, яшаш тарзи билан қизиқиб, кўплаб саволларга жавоб қайтаришди.

Мулоқот кунида Жиззах вилоятининг ҳокими, унинг муовинлари, ХДП вилоят кенгашининг фаоллари энг олисдаги хўжаликларнинг жамоалари билан учрашдилар.

Б. САТТОРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ТОШКЕНТ: ШАРОФ РАШИДОВ ФОНДИГА 50 МИЛЛИОН!

(Давоми. Боши биринчи бетда).

бар кузатиб турганлигини ҳис қилишар эди.

Эндиликда ўтмишга айланган марказ ҳукмронлиги йилларида сал йирикроқ иш қилиш учун Кремлдан розилик олиш тартиби йўлга қўйилган эди. Бўладиган баъзи ишларнинг ҳам ижроси бюрократия занжирлари билан чирмаб ташланган шароитда Шароф аканинг бир сўзи ҳар қандай мураккаб масалани оқилона ҳал қилиб берган. Тошкент ободончилиги учун қаттиқ қайғурган Ш. Рашидов шаҳарни ҳам энига, ҳам бўйига ривожлантириш, уни жаҳоннинг энг кўзга кўринган пойтахтлари қаторига олиб чиқиш учун астойдил ҳаракат қилди. Ана шу чорак аср давомида пойтахт харитасида бутун-бутун янги районлар — Акмал Икромов, Собир Раҳимов, Сирғали каби районлар пайдо бўлди. Мирзо Улуғбек, Шайхонтовур, Яккасарой, Миробод ва бошқа районлар аҳолиси оғирини енгил қилган савдо, маиший хизмат, медицина муассасалари барпо қилинди. Тошкент метроси, Халқлар дўстлиги саройи, хушманзара кўча ва хиёбонлар, телеминора, янги аэровокзал, Юнусобод, Қорасув, Қўйлиқ, Талабалар, Шифокорлар, тракторсозлар, Ал-Хоразмий ва бошқа саноат-турар жой массивлари — санасак адоғи йўқ шу каби иншоотларнинг тамал тошини жумҳурият отахони муборак қўллари билан қўйиб берганлигини фахр билан эслаб юрамиз.

ТОШКЕНТ тинчлик ва дўстлик шаҳри номини олиши, жаҳонга танилишида Ш. Рашидовнинг алоҳида ҳиссаси бор. Биргина мисол. Кўҳна Тошкент тарихини чуқур ўрганиш, унинг кўп асрлик тараққиётини илмий асослаш ва шаҳарнинг 2000 йиллик тўйини ўтказишга у жуда катта куч-ғайрат сарфлаган эди. Афсус, юбилей кунларидан сал ўтмай табаррук инсон умри узилди. Ҳамшаҳарларимиз бу катта йўқотишдан қаттиқ қайғурдилар...

Алам устига алам, дунёдан ҳалол ва шараф билан ўтган устоднинг муборак номига шумнинят кимсаларнинг қора чаплаши бағримизни ўртади. Лекин доно халқимиз айтганидек, ҳақиқат эгилар, букилар экан-ку, лекин синмас экан. Зукко ва истеъдодли арбоб номини муносиб ўрнига қўйиб, унинг хотирасига нисбатан адолатли муносабатни тиклаб бергани учун энг аввало Президентимиз Ислом Абдуғаниевич Каримовдан тошкентликлар бениҳоя миннатдордирлар.

Шароф Рашидовнинг 75 йиллигига жуда оз вақт қолди. Шаҳримиз жамоатчилиги юбилейга қизғин ҳозирлик қўряпти. Унинг номи билан боғлиқ ҳамма жойлар тартибга келтирилаётир. Унинг номидаги хиёбон ўз вақтида очилиши учун сўнгги қурилиш-пардозлаш ишлари олиб бориляпти. Китоблар чиқариляпти. Таваллуд тўйига келадиган меҳмонларни кутиб олиш, жойлаштириш ва бошқа зарур шароитлар яратиш учун ҳамма нарса асосан тайёрлаб қўйилди. Тайёргарлик ишларидаги иштирокимиз ҳақида юбилейни ўтказувчи ҳукумат комиссиясига ҳар куни ахборот бериб турибмиз.

Меҳнаткашларнинг кўпдан-кўп илтимосларига муносиб Шароф Рашидов номли жамғарма ташкил этилгани айни муддао бўлди. Бу жамғарма илм-фан, маданият ва маърифатни ривожлантириш, ўзбек халқи миллий ва умуминсоний қадриятларни тиклаш, юрт ободонлиги ва эл фаровонлиги учун хизмат қилади. Ўз-ўзидан равшанки, жамғарма ўз мақсад ва ғоялари билан жонажон Ўзбекистонимиз, жумладан, энг аввало, ҳаммамиз учун ғоят азиз ва мўътабар шаҳар Тошкентни ҳам янада юксалтиришга ҳисса қўшади. Буни чуқур англаб етган тошкентликлар Ш. Рашидов жамғармасига муносиб улуш қўшишга аҳд қилдилар. Менинг тахминимча, бу ҳисса 50 миллиондан кам бўлмайди.

Бу хайрли ишга Тошкент авиация бирлашмаси, Трактор, Экскаватор, Миконд, Алгоритм заводлари, Темир йўл, авиация ва автотранспорт корхоналари, биржалар, фирмалар ва қўшма корхоналар яқиндан бош қўшадилар. Ўйлайманки, Тошкент Давлат университети, Техника, Иқтисодиёт, Молия университетлари, Ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш, Фармацевтика, Транспорт институтлари жамоалари ҳам бу хайрли ишдан четда қолмайдилар.

Жамғарма амалга оширадиган барча хайрли тадбирлар Шароф Рашидов номи билан боғлаб амалга оширилиши ҳаммамизнинг қалбларимизни зўр қониқиш туйғулари билан тўлдиради. Савоб ишларда иштирок этиш, айниқса, дунёдан ўтган азиз ва табаррук инсонлар хотирасини ҳурматлаш элимизнинг абадий удумидир.

Президент ташрифидан сўнг

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков 3 октябрь куни Индонезия ишбилармонларидан бир гуруҳини қабул қилди.

Маълумки, Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов бошчилигидаги ҳукумат делегациясининг Индонезияга қилган сафари чоғида бир қатор ҳужжатлар, жумладан, икки давлат ўртасида узоқ йилларга мўлжалланган савдо-сотиқни йўлга қўйиш тўғрисида ҳам шартнома имзоланган эди. Унга кўра, Ўзбекистон Индонезияга пахта хом ашёси, Индонезия эса Ўзбекистонга чой, гуруч, кийим-кечак ва бошқа маҳсулотлар етказиб беришни зиммасига олган.

Индонезия делегациясига бошчилик қилаётган «ПТ прима комексиндо» компанияси президент-директори Ҳошим С. Жойахадикусумо ўз мамлакатининг икки давлат ўртасида имзоланган шартномани бажара бориб, ҳозиргача Ўзбекистонга 10 минг тонна чой, 50 минг тонна гуруч етказиб берганини маълум қилди.

Суҳбат чоғида Тошкент вилояти ҳокими С. Саидалиев, Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий алоқалар вазирининг биринчи муовини С. Сафоев, миллий банк бошқарувининг раиси Р. Азимов ҳозир бўлдилар.

(ЎзА).

• ҚАНДАЙ ЯШАЯПСИЗЛАР, ПАРТИЯДОШЛАР?

ИШОНЧНИНГ ЎЗИ КАМЛИК ҚИЛАДИ

ЭНГЕЛЬС номли совхозга уч марта келиб партия ташкилоти котиби Ботир Давлатовни ҳеч қаердан топа олмадик. Бугун Қарши шаҳрига қовун-тарвуз олиб кетган, эртаси куни узум ортиб район тайёрлов идорасига, яна қаерларгадир жўнаган бўлиб чиқарди. Нима қилишимизни билмай ҳайрон бўлиб турганимизда «Ботир ака кеча ҳам йўқ эдилар» деди қабулхонадаги котиба қиз. Совхоз директори Неъмат Ерматовга учрашишга мажбур бўлдик.

— Ҳа, шунақа бўлиб қолди, Давлатов қишлоқ хўжалик маҳсулотлари бўйича менинг ўринбосарим, — деди у. — Уч минг сўм маош олади. Далада қовун-тарвуз кўп, йиғиштириб улгуролмаяпмиз. Партком шу ишлар билан банд ҳозирча...

Бундай қараганда директорнинг гапларини инкор этиб бўлмайди. Чиндан ҳам ҳар ким ўз ишини қилиши керак. Лекин, котибни кўпчилик сайлаб қўйганини, унинг партиявий ишларни олиб бориши лозимлигини ҳам унутмаслик керак. Тўғри, партия ташкилотларида етишмовчилик туфайли ташкилот котиблари совхоз директори ва колхоз раислари ўринбосарлари лавозимларига ҳам тайинландилар. Котиблик эса жамоатчилик асосида бажариладиган бўлди. Начора, бу ҳаёт тақозоси.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Дастури ва Низоми мақсадларини тўғри англаб иш тутаётган котиблар партиявий ишга чуқур масъулият билан қараб, аввал бошданоқ ташаббускорликни қўлдан берганлари йўқ. Қаердаки ҳақиқий ташкилотчилик бўлса, шу ерда партиявий ишларда силжиш бор.

Ботир Давлатов совхози партия ташкилотига янги сайланган котиб эмас. Тўрт йилдан бери шу ишда ишлаб келаяпти. Аммо у негадир партия ташкилоти ишига кўнгли совугандай қарайди. Унда изланиш, интилиш деярли йўқ. Бу эса ҳозирги мураккаб шароитда, айниқса, тезроқ сезилиб қоляпти. Етакчи суст бўлган жойда эса иш ўнгланиб кетақолмайди. Энгельс номли совхозда ҳам амалда шундай бўляпти. Одамлар орасида ташкилий-сиёсий иш олиб борилмаётгани, тушунтириш ишлари унутиб қўйилгани, вазифага бир ёқлама қараш, бўлса-бўлар, бўлмаса ғовлаб кетар қабилида иш тутиш партияга ишонч ва эътиқоднинг сусайишига сабаб бўляпти.

Масалан, бригада бошлиғи Жаббор Файзиев ХДП аъзолигидан чиқишни ихтиёр этиб, ариза берди. Аммо унинг партиядан нега чиқаётганини ҳеч ким суриштиргани ҳам йўқ. Осонлик билан унинг илтимоси қондирилди. Ҳолбуки коса тагида нимкоса дегандек, унинг ариза бериши сабаби бор эди. Бригада жамоаси кетма-кет уч йил пахта тайёрлаш режасини уддалай олмади. Жаббор Файзиев қаттиқ-қуруқ гаплардан кўра «партиясиз» бўлиб ишлашни афзал билди. Ҳозир у ўн гектар ерни ижарага олиб пахта етиштиряпти. Ердан қандай фойдаланади, буни келажак кўрсатади. Лекин, у партиясиз бўлсам ҳам куним ўтар экан, деган кайфият билан юрибди.

Бу ягона факт эмас. Агар партия ташкилоти кўп масалаларда четдан кузатувчи бўлиб тураверса, ўз таъсир кучини бутунлай йўқотиши тайин. Бу ҳозирданоқ сезилиб қоляпти. Партия йиғилишларига тобора камроқ кишилар қатнашяпти. Шу йилнинг июнь ойида ўтган умумий йиғилишда 101 нафар ХДП аъзосидан 86 кишигина иштирок этди. 10 нафар ХДП аъзоси сабабсиз келмади. Ҳолбуки йиғилишда муҳокама этилган масала долзарб эди. Бошланғич партия ташкилотининг хўжаликда ўз-ўзини маблағ билан таъминлаш ва мустақилликка ўтиш борасида олиб бораётган ишлари таҳлил этилди. Ўша ойда ўтган бошланғич ташкилот ижроия бюроси мажлисида эса қарорларнинг бажарилишини назорат қилиш масаласи кўриб чиқилди. Август ойида ўтказилган ижроия бюро мажлиси материаллари эса ҳалигача расмийлаштирилмаган. Партия ташкилоти котиби юқори ташкилотларнинг, хусусан район партия кенгашининг назоратдан олинган бирорта қарорини ҳам кўрсата олмади. Мазкур аҳволда йиғилишларда айтилган гапларни одамларга етказиш ҳақида сира ҳам сўз бўлмаслиги тайин. Бундай юзаки ишлар эса партиянинг нуфузига зиён етказяпти. Шу сабабли кишилар ХДП аъзолиги сафига ўтишга шошилмаяптилар. Йил бошидан бери атиги икки киши ХДП сафига ўтганлиги бунинг яққол далилидир. Янги билетлар ҳам шу кунгача кўпчиликнинг қўлига тегмади. Мана сизга партиявий ишга бўлган муносабат.

— Очиғини айтганда партиянинг обрўси олдингидек эмас, — деди бошланғич ташкилот котиби Ботир Давлатов. — Илгари бизга райком вакили ёрдам бериб турарди. Ҳурмат-иззат ҳам бошқача эди. Ҳозир эса кенгаш ўзимиз тўплаган бадал ҳисобидан ҳар ойда жуда оз маош бераяпти, холос. Асосий вазифам директор ўринбосарлиги, Хўжалик ишидан бўшамаяпман. Одамлар билан ишлашга вақт топиш қийин бўляпти. Олдингидек турли хил тадбир ўтказиш ташаббуси билан ҳеч ким партия ташкилотига келмаяпти. Ҳамма ўз ўйи, ташвиши билан банд. Рўзғорини ўйлайди, иқтисодий ночорликдан чиқиб олиш илинжида эрта-ю кеч куймаланиб юрибди.

Баъзи ўринларда балки Ботир Давлатов ҳақдир. Аммо у айтганчалик партиянинг нуфузи тушиб кетаётгани ҳам йўқ. Бу унинг шахсий фикри. Партиянинг обрўсини сақлаш ва кўтариш ташкилот котиблари ва унинг жанговорлигига боғлиқ эканлигини эса тан олгиси келмайди.

Унинг фикри нотўғри эканлигини бошқа бир бошланғич ташкилот фаолияти мисолида исботламоқчимиз. Қарши районидаги «Чўли ота» совхози бошланғич партия ташкилотига Бобожон Ниёзов етакчилик қиляпти. У ҳам аслида директор ўринбосари. Аммо у ишни ҳам, бу ишни ҳам қилишга вақт топяпти. Эшиги ҳамиша одамларга очиқ, кишилар турли масалалар билан партия ташкилоти котибига мурожаат қилиб, тегишли жавоб ва ёрдам олишаяпти. Энг муҳими—котиб ўз ўрнида. Очиғини айтганда, у совхоз директори, ХДП аъзоси Хўжам Қодировнинг «югурдагига» айланмаган. Балки директор билан амалий ҳамкорликда ўз обрўсини сақлаб, бақамти, бамаслаҳат ишлаб, хўжаликни иқтисодий қийинчиликлардан олиб чиқишга ёрдамлашяпти.

— Партиявий иш билан шуғулланишга вақт йўқ деб айтиш бўлмаган иш, —дейди Бобожон Ниёзов. —Ахир партиявий ишимиз — ҳар кунги ишимиз-ку. Одамлар менга «партком бобо» дея мурожаат қилишади. Бу гапдан кўнглим тоғдек кўтарилиб, дилим яйрайди. Қовчин», Собир Раҳимов номли, «Москва» давлат хўжаликлари бошланғич партия ташкилотлари фаолиятида ҳам юз беряпти. Айтиш керакки, мазкур ташкилотлар нуқсонларни тугатиш учун ҳаракат қилишяпти. Бу ташкилотлар фаолиятида яққол кўриниб турибди.

«Коммунизм» колхози партия ташкилотига кўп йиллардан бери Одил Бўронов етакчилик қиларди. У ҳам хўжалик ишлари билан банд бўлиб, оммавий-сиёсий ишларни ўз ҳолига ташлаб қўйди. Кадрлар билан ишлашдан ўзини четга олди. Бундан эса умумий ишга жиддий зиён етди. Масалан, колхознинг собиқ раиси, ХДП аъзоси Файзулла Пўлатов асли ишчан, ташкилотчи раҳбар эди. Унинг уч йиллик фаолияти даврида пахта тайёрлаш режалари ошириб бажарилди. Бироқ бора-бора кадрлардан ўз ўрнида фойдаланмай қўйди. Жамоат ташкилотларига таянмай, яккабошчилик билан иш тутди. Шу сабабли молиявий чалкашликлар содир бўлди. Устма-уст тафтишлар натижаси билан район ҳокимлиги Ф. Пўлатовни ишдан олди.

Колхоз партия ташкилоти раисининг хатосини ўз вақтида кўрсатганида аҳвол шу даражага етмас эди. Холбуки, партия ташкилоти ва унинг котиби Одил Бўронов бўлаётган воқеаларни пайқамагандай, ўзини четга тутди. Хўжаликда илдиз отган гуруҳбозлик иллатига ҳам вақтида муносиб баҳо бермади. Бундан ХДП аъзолари афсусландилар.

— Бу воқеа партия аъзолари учун жиддий сабоқ бўлмоғи лозим, — дейди ХДП аъзоси, колхознинг ҳозирги раиси Абдужаббор Пўлатов. — Вақти келганда ташкилот кадрни ҳимоя қилишни ҳам билиши керак эди. ХДП аъзолари бошланғич ташкилот котиблигига бош агроном бўлиб ишлаб келган Бобомурод Очиловни сайлашди. Тўғри, у штатга кўра раиснинг қишлоқ хўжалик ишлари бўйича ўринбосари. Аммо асосий иши парткомлик деб тушунамиз. Янги котиб ишни қўлга олаяпти. У билан ҳамкорликда ишлаяпмиз. Кадрлар билан шуғулланиш ҳам унинг зиммасида. Шунинг учун партия ташкилотимизнинг обрўси яна ошмоқда.

Биз бу ерда Қарши район партия ташкилотлари ҳаётидан айрим мисоллар келтирдик, холос. Район партия кенгаши котиблари ишдаги камчиликларга масъул ходимларнинг камлигини, молиявий аҳвол чатоқлигини сабаб қилиб кўрсатмоқчи бўлишди. Тўғри, ҳозир ҳеч кимга енгил эмас. Ҳар ким ҳам ўз томидаги қорни ўзи кураши керак. Четдан келиб биров ёрдам бермайди. Фақат эскича иш услубларидан тезроқ қутилиб, одамлар ёнига бориб ишлашса кенгаш аппаратида ходимларнинг камлиги ҳам, бошланғич ташкилотларнинг котиблари хўжалик ишлари билан ўралашиб қолгани ҳам билинмайди. Истаган одам баҳона эмас, ўзига иш топади.

Мусо КАРОМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.



Фарғона вилоят Бешариқ районидаги «Ўзбекистон» жамоа хўжалиги партия ташкилоти хўжалик ишларида фаол иштирок этяпти. Суратда: ХДП бошланғич ташкилоти котиби Р. Усмонов (ўнгда) партия аъзоси Ш. Қўчқоров билан суҳбатлашмоқда.

Т. МАҲКАМОВ олган сурат.

• ХОҲ ИШОНИНГ, ХОҲ ИШОНМАНГ

ЎЗГА САЙЁРАЛИКЛАР ПАХТАКОРЛАРГА ЁРДАМГА КЕЛИШДИ

● Яқинда Тошкентдаги пахтачилик машиналари бўйича махсус бош конструкторлик бюросига Қирғизистоннинг Ўш вилоятидан ижарачи деҳқон Шаҳобиддин Зокиров ташриф буюрди. У мутахассисларга «ўзи яратган» янги пахта териш машинаси конструкцияси чизмаларини кўрсатиб, ҳамкорликда иш олиб боришни таклиф этди. Қизиғи шундаки, оддий деҳқоннинг пахтачилик техникаси соҳасида янгилик яратиши кўпчиликни ҳайрон қолдирди.

МАЪЛУМ бўлишича, Ш. Зокиров 8-синф маълумотига эга, дастлаб ёнилғи қуйиш шаҳобчасида электрик бўлиб ишлаган. Уч йилдан буён эса Жалолобод шаҳри яқинидаги ташландиқ жойда паррандачилик билан шуғулланиб келаркан. Янги машина конструкцияларига келсак, у илгари бу соҳа билан умуман таниш бўлмаган. Бироқ Шаҳобиддин конструкторлик бюросига келтирган терим машиналари чизмалари айрим камчиликлардан ҳоли бўлмаса-да, янги ғояларга бой ва мутахассислар талабларига тўлиқ жавоб беради. Хўш, ундай бўлса Зокиров янгиликни қандай яратди?

Шаҳобиддиннинг айтишича, у чизмаларни ўзга сайёраликларнинг кўрсатмалари бўйича бажарган. Номаълум учар жисм (НУЖ)лардан тушган «учувчи»лар билан илк алоқа бундан уч йил аввал содир бўлган. Баҳор ойларининг бир кунида кечқурун паррандалар боқилаётган ташландиқ жойдан 50 метрча нарига «учар ликопча» келиб қўнган. Атрофидан нур ёғилиб турган ушбу «ликопча»дан тўрт нафар «учувчи» чиқиб, шу ердаги темир-терсаклар уюми томон юришган. Зокировнинг тасвирлашича, ўзга сайёраликларнинг «боши катта, қўллари узун» бўлиб, юрганда «оёқлари ерга тегмасдан» ҳаракат қилишган. Шаҳобиддин улар кетидан бироз қараб туриб қўрқиб кетган ва дарҳол уйига қайтган.

Шундан сўнг икки кун ўтар-ўтмас, Шаҳобиддиннинг ўзга сайёраликлар билан ғойибона алоқаси бошланган. НУЖ «учувчилари» унга бирга учишни таклиф этишган. Шаҳобиддин бунга розилик билдиргач, «учувчилар» номаълум объект ичида унга пахта териш машиналари янги схемаларини рангли тасвирдаги кадрларда кўрсатишиб, бундан буён у пахта териш машиналари яратиш билан шуғулланиши лозимлигини уқтиришган. Бу Зокировни таажжублантирган, албатта. Бироқ ерга қайтгач, Шаҳобиддин ўзи сезмаган ҳолда янги машиналар схемаларини чиза бошлаган. «Ғойибона алоқа» шу тариқа давом этган.

— Биласизми, дастлаб биз ҳам Зокировнинг гапларига уча ишонмагандик, — дейди конструкторлик бюроси бошлиғи вазифасини бажарувчи, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги фанлар академиясининг мухбир аъзоси, профессор Рафиқ Матчонов. — Лекин у ўзи яратган машина конструкцияси чизмаларини кўрсатгач, ҳайрон қолдик. Чизмалар етук мутахассис даражасида тайёрланган бўлиб, айрим жиҳатлари эски конструкциялардан фарқ қилмасада, янгича ғоялар асосида талқин этилган. Энди юқоридаги воқеага келсак, нима учун ўзга сайёраликлар бу соҳа вакили бўлмаган Зокиров орқали пахтакорларга ёрдам беришни афзал билганлари бизга сир бўлиб қолмоқда.

Ҳозир конструкторлик бюроси жамоаси бошқа илмий муассасалар қатори бозор иқтисодиётига ўтишда муайян молиявий қийинчиликларни бошидан кечирмоқда. Шу боис, биз Зокировга янги ишланмани амалиётга татбиқ этиш учун ҳомий топиш зарурлигини айтдик. Қарангки, хомий ҳам тезда топилди. Ўш вилоятидаги нефть маҳсулотлари улгуржи савдо базаси ушбу ҳайрли мақсад учун 1,5 миллион сўм ажратадиган бўлди.

Профессор Матчоновнинг таъкидлашича, маблағ келиб тушиши биланоқ конструкторлик бюроси мутахассислари Ш. Зокировнинг чизмалари асосида янги пахта териш машинаси андозасини яратишади. Албатта, ушбу машинанинг қай даражада деҳқонларимиз оғирини енгил қилишини дастлабки синов натижалари кўрсатади. Биз эса муштарийларимизни бу борадаги ишлар қандай бораётганлигидан хабардор қилиб туриш ниятидамиз.

Аслиддин БОЛИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

АКС-САДО

«АСАКАДА АВТОМОБИЛЬ ТУҒИЛМОҚДА, НОМИНИ ЎЗИНГИЗ ҚЎЙИНГ, МУШТАРИЙ»

«Ўзбекистон овози». 30 июль, 1991 йил.

МАЪҚУЛИ ТАНЛАБ ОЛИНАР

Дарҳақиқат қадимдан халқимизда «От — йигитнинг қаноти» деган гап бор. Ҳозир ҳам машина сотиб олган кишига «от муборак», «той муборак» дейилиши бежиз эмас.

Шунинг учун мустақил Ўзбекистонда ишлаб чиқариладиган автомобилни «Тулпор» деб аташни таклиф қиламан. Ёки афсонавий қаҳрамонларимиз отларининг номи билан «Бойчибар», «Ғиркўк», «Дулдул», деб аташ маъқул.

Ҳ. АБДУҚАЮМОВ, Сурхондарё вилояти.

«АСКО» НОМИНИ ТАКЛИФ ЭТАМАН

Асакада автомобиль заводи ҳақида эшитганимдан буён унинг маҳсулоти номи ҳақида ўйлайман. Тайёрланажак автомобиллар Ўзбекистон—Корея қўшма корхонаси маҳсулоти Асакада ишлаб чиқарилишини инобатга олиб, уни «АСКО» деб аташ тарафдориман.

Аҳмаджон ДАВРОНОВ, Андижон, Найман алоқа бўлими.

ШАХСИЙ ФИКРИМ

Мен ҳам ўз фикримни ифодаламоқчиман. Ўзбекистонда ишлаб чиқариладиган дастлабки автомобилга «ЎзКор» (Ўзбекистон — Корея) номи берилса.

Нурали МУРТОЗОВ, Қарши шаҳри.

ВОҲАНИНГ ҚАДИМГИ НОМИ ЭСЛАНСА

Ўз автомобилимизга ном қўйиш ҳақида муштарийлар мулоҳазасини сўраганингизни табриклайман. Менга қолса, Асакада, яъни кўҳна Фарғона водийси ҳудудида ишлаб чиқарилажак машиналарга шу воҳанинг қадимги номи билан «Давон» деб от қўйилса.

Баҳодир НАСИМОВ, Қашқадарё вилояти.

ШАРҚОНА АТАЛИШИ ТАРАФДОРИМАН

Жумҳуриятимизда ишлаб чиқарилажак автомобилларда шарқона ном бўлишини истардим. Агар биз машиналаримизни «АСКО», «АСКОР» ва шунга ўхшаш қисқартма номлар билан атай бошласак, яна марказдан нусха олгандек бўлиб қоламиз.

Алқисса, жумҳуриятимизда тайёрланган машиналарга, яъни кичик автобусларга «Ўзбекистон», юк машинасига эса «Туркистон» номи берилса. Чунки бу машиналар Ўзбекистоннинггина эмас, балки бутун Ўрта Осиё, яъни қадимий Туркистон оғирини енгил, узоғини яқин қилади.

Суннатулла ОРИПОВ, Жиззах тумани алоқа тармоғи бошлиғи ўринбосари.

ИСТИҚБОЛ ЮЛДУЗИ ТИМСОЛИ

Кичик юк машиналарини Ўзбекистон мустақиллиги йўлида қурбон бўлган ёзувчи «Чўлпон» номи билан аташни хоҳлардим. Негаки, Чўлпон исми тонг юлдузидек порлаб турса. Енгил машиналарни у яратилган жой номи билан «Асака», кичик автобусларни қадимий диёримиз номи ила «Турон» деб атасак, маъқул деб ўйлайман.

Бошқа мулоҳаза ҳам бор. Енгил автомобилга рамзий маънода «Хумо» ёки «Семурғ» номи берилса. Кичик автобусни эса «Дилкушод» дея аташни таклиф қилардим.

Ойбек ЭҲСОНОВ, Андижон, Хўжаобод тумани.

«Ўзбекистон овози»га биринчи даражали диплом

Яқинда Ашғабат шаҳрида XXIV минтақаларо «Китоб, плакат, газета ва журналлар санъати» танлови ўтказилди. Унда Ўрта Осиё давлатлари ва Қозоғистон вакиллари қатнашдилар. Танлов ҳайъатига туркманистонлик машҳур санъаткор, халқ рассоми Иззат Қиличев бошчилик қилди.

Ҳайъат аъзолари танловга тақдим этилган асарларни синчковлик билан назардан ўтказиб, уларнинг бадиий безагига, миллий руҳига, полиграфик ижросига, рассомлар маҳоратига алоҳида эътибор бердилар. Шуни мамнуният билан таъкидлаш керакки, танловда Ўзбекистондан тавсия этилган китоблар, плакатлар, журнал ва газеталар катта муваффақият қозонди. Чунончи, **«Ўзбекистон овози» газетаси 1 даражали диплом билан мукофотланди.** Умуман олганда, республикамизнинг 19 та китоби, 8 та плакати, 7 та журнали, 8 та газети шундай юксак мукофотга сазовор бўлди.

Бу йилги танлов СССР парчаланиб кетгандан сўнг минтақадаги мустақил давлатлар ўртасида ўтказилганлиги учун биринчи халқаро конкурс деб аталди. Кейинчалик танлов иштирокчилари даврасини кенгайтиришга келишиб олинди.

Куни кеча Ўзбекистон Республикаси Матбуот давлат комитетида дипломларни топшириш маросими бўлди. Комитет раиси Р. Шоғуломов мукофотланганларни қизғин қутлади.

Суратда: дипломларни топшириш пайти.

В. МОЛГАЧЕВ олган сурат.

• ИНСОН ВА ТАБИАТ •





Бизни кечир, Она — табиат....

Абдувоҳид ТЎРАЕВ олган суратлар.

КЕЛАЖАК АВЛОД ОЛДИДАГИ БУРЧ

● Асримизнинг фан-техника тараққиёти инсоният олдига ҳозирги давримизнинг энг оғир муаммоларидан бири—табиатни муҳофаза қилиш вазифасини қўйиб турибди. Не ажабки, ҳозирги даврга келиб инсон ўзи ичаётган сувларни булғамоқда, ўзи нафас олаётган тоза ҳавони ўзи заҳарламоқда. Бошқача айтганда, ўзи ўтирган ҳаёт дарахтини ўз қўли билан арраламоқда.

Бу хавфли оқимдан инсониятни қандай қутқариш мумкин? Жумҳуриятнинг барча экологлари қатори Сирдарё вилояти табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси ходимлари ҳам шу хайрли йўлда астойдил иш олиб бормоқдалар. Мазкур ташкилот ташаббуси билан яқинда Боёвут районидаги 71-автокорхона ҳудудида фойдали тадбир — семинар ўтказилди. Биз ана шу семинар иштирокчиларининг баъзилари билан суҳбатлашдик.

Р. ҚАРШИБОЕВ, Боёвут районидаги 71-автокорхона директори: — Сўнгги йилларда атроф-муҳитни муҳофаза қилишга жиддий эътибор берилиб, жуда тўғри қилинмоқда. Рости, экологик тарбия билан кейинги 2—3 йил мобайнида сал-пал шуғулланадиган бўлдик, холос. Илгарилари бунақа нарсалар хаёлимизга келмас экан.

Вилоят, район табиатни муҳофаза қилиш ташкилотлари билан ҳамкорликда ўз камчиликларимизни бартараф этишга ҳаракат қиламиз. Жумладан, корхонамизга иссиқлик берадиган буғ-қозони олдин мазутда ёқилар эди. Атрофимиздаги қишлоқлар дейсизми, уйлару одамларнинг ҳовлилари дейсизми, қурум остида қолади. Энди уни газ билан ишлайдиган қилдик.

Иш жойларимизни озода сақлаш, у ерда ишлаётганларнинг соф, тоза ҳаводан нафас олишига эришмоқ — шу катта вазифанинг бир қисми, деб ўйлайман. Шуларни ҳисобга олиб, корхонадаги вулканизация, электр асбобларни созлаш, аккумуляторларни таъмирлаш, ёнилғи узатувчи насосларни созлаш, чилангарлик, пайвандлаш цехларидаги иш шароитини бутунлай қайта кўриб чиқдик. Янги талаблар асосида таъмирладик ва уларнинг барини замонавий вентиляция, яъни шамол узатгичлар билан жиҳозладик.

Бу борадаги асосий ишларимиздан бири — қайси машина ўзининг носозлиги туфайли атроф-муҳитни ифлослантираётган бўлса — ўша машинани дарҳол тўхтатиб қўймоқдамиз. Машина эгасини моддий, маънавий имтиёзлардан маҳрум этаётирмиз. Газ назоратчилари бу масалани қатъий назорат остига олганлар. Айниқса, бутун автокорхона ҳудудини тоза ва озода сақлаш, уни гулзор, дарахтзорларга буркашга алоҳида эътибор бераётирмиз.

Шулар билан бир қаторда, камчиликларимиз ҳам йўқ эмас. Ёнилғи қуйиш хўжалигимиз ноқулай ерга жойлашиб қолган. Бу масалани ҳал этишимиз керак. Баъзи шофёрларимиз эса дуч келган ерда тўхтаб, тоза жойларга мой, ёнилғи, оқизадилар, ҳавони бузадилар ва ҳоказо. Бу каби нуқсонларни, албатта, бартараф этамиз.

У. УМАРОВ, «Сирдарё-транс» автомобиль ишлаб чиқариш бирлашмасининг бошлиғи: — Тинмай шаҳар кезиб, унинг заҳарланган ҳавосини энг кўп ютадиган ҳам олис йўлларда узоқ юриб, борлиқнинг яхшиёмон, оғир ва чанг ҳаволарини «симирадиган» ҳам беҳаловат касб эгалари — шофёрлардир. Лекин, афсуски, муҳитни энг кўп безовта қилиб, газ сочиб турадиганлар ҳам ўзимиз бўлиб турибмиз. Демак, энг аввало тарбияни ўзимиздан бошламоғимиз, Она-табиатга бўлган муҳаббатни уйғота билишимиз, бора-бора бу нарсаларни доимий одатларимизга айлантиришимиз керак.

Вилоят автомобиль корхоналарида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш борасида қатор жиддий тадбирларни амалга оширяпмиз. Боёвутда ўтказилган семинар ҳам шундан далолатдир. Сўнгги йилларда бу борада орттирилаётган тажрибаларни янада бойитиб, уларни мустаҳкамлаб олмасак бўлмайди. Бундан буён экология масаласига менсимасдан қарайдиганларнинг ҳоли вой бўлади, деб ўйлайман. Шунинг учун, гарчи, қатор яхши ишлар қилаётган бўлсак-да, лекин энг муҳимлари олдинда турибди. Вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси билан ҳамкорликда ўзимизга қарашли корхоналарнинг бу борадаги ишларини ҳозирги давр талаблари даражасига кўтариш учун қўлимиздан келган барча чораларни ишга соламиз.

И. ҚУЧҚОРОВ, Сирдарё вилояти табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг раиси: — Мутахассисларимизнинг аниқлашларича, вилоят бўйича бир йилда ҳавога 198 минг тонна заҳарли чиқитлар сочилмоқда. Нақадар ачинарли ҳол! Бунинг оқибатлари нималарга олиб келиши мумкинлигини одамларимиз қачон чуқурроқ тушуниб етар эканлар, деб ўйлайсан киши. Шу важимали кўрсаткичнинг 111 минг тоннаси автомобиллар, яъни енгил машиналардан, 12500 тоннаси ёки яна бир салмоқли қисми эса автотранспорт моторларидан сочилиб турибди. Лекин, афсуски, баъзи бир корхона ва ташкилотларнинг раҳбарлари бир неча бор огоҳлантиришимизга қарамасдан, тегишли хулоса чиқариб олмаётирлар.

Юқоридаги мисоллардан келиб чиқиб, автокорхоналарнинг бу борадаги ишларида жиддий ўзгаришлар ясаш ниятидамиз.

Табиатни муҳофаза қилиш ишлари ҳаммамизнинг кундалик, энг муҳим вазифаларимиздан бўлиб қолмоғи лозим. Ўзимиздан кейинги авлодга ифлосланган дарё ва кўллар, заҳарланган ҳаво, пайҳон қилинган, қуриган дарахтзорлару топталган ўтлоқларни қолдирамизми? Ахир ота-боболаримиз бизларга нисбатан бундай даражада бераҳмлик қилмаганлар-ку!

Яқинда Ўзбекистон Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси экологиянинг энг муҳим вазифаларига оид ғоят муҳим ва фойдали қарор қабул қилди. Энди биз ана шу қарор, мавжуд қонунларга асосан оқар сувларни булғаётган, ер, сув, ҳавони бузаётган ташкилотлар, уларнинг раҳбарларига нисбатан жиддий чоралар кўра оламиз. Хўжаликларга катта миқдорда жарималар солишга ҳақлимиз.

Атроф-муҳитни соғломлаштириш, табиатни асраш борасидаги ишларимизни янги босқичга кўтармасак бўлмайди. Акс ҳолда, юқорида айтганимиздек, келажак авлод олдида кечириб бўлмас, оғир гуноҳларга ботамиз.

А. УМАРОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Н. МУМИНОВ, жамоатчи мухбир.



Деҳқон ёз бўйи саратон офтобида тобланди, ўзи билан ғўзасини ҳам тоблаб олди. Бугунги кунда жумҳуриятимизда ҳосил йиғим-теримга жадал киришилди. Ўрта Чирчиқ районидаги Ким Пен Ҳва номли жамоа хўжалигининг Каримжон Умриёев бошлиқ агрофирмаси пахтакорлари бу йил 850 гектар ерда деҳқончилик қилишган эди. Ғўзалар дуркун ва серҳосил бўлиб етилди. Машина теримига сифатли тайёрланган пахтазорга куни кеча 22 та «эзангори кема» олиб кирилди. Гектаридан 32 центнердан ҳосил олишни мўлжаллаётган мирзачўлликлар пахтанинг 90 фоизини машиналар ёрдамида 15 октябргача териб олишмоқчи.

СУРАТЛАРДА: (чапдан) машина терими; «Гулистон» агрофирмаси бошлиғи К. Умриёев, бош агроном Ҳ. Худойқулов ҳамда механизатор Ж. Муродовлар.

А. МАЛЬЦЕВ олган суратлар.

ТЕРИМ ТАҚДИРИНИ ТЕХНИКА ҲАЛ ҚИЛАДИ

ВИЛОЯТДА ЗАРБДОР ОЙЛИК ЭЪЛОН ҚИЛИНДИ

Жиззах чўли хўжаликларида пахта йиғим-терими мавсумининг ўзига хос муаммолари бор. Ишчи кучи нисбатан кам бўлган жамоаларда терим тақдирини асосан машиналар ҳал этади. Демак, ҳар бир пахта териш машинасидан унумли фойдаланиш даркор! Бунинг учун аввало ғўза машинабоп бўлиши, барглар сифатли тўктирилиши керак.

Мавсум жуда кеч бошланди. Бир ойда ҳаммасига улгуришнинг ўзи бўлмайди. Ахир, режанинг 90—95 фоизи фақат машиналарда терилиши кўзда тутиляпти!

Оммавий сафарбарлик олдидан вилоят ҳокимлигида бўлиб ўтган йиғилишда сўзга чиққан вилоят ҳокимининг биринчи муовини Ўктам Олимов мавсумга тайёргарликнинг аҳволи ҳақида батафсил ахборот берди. Маърузачи ҳар бир район ва ҳатто хўжаликлардаги вазиятга холис, атрофлича тўхталиб, йўл қўйилган камчиликларни зудлик билан бартараф этиш юзасидан масалаларини айтди. Дўстлик районининг кўп йиллик тажрибасидан оқилона фойдаланиш муваффақият келтиришини таъкидлади. Бу районнинг механизаторлари мавжуд кўсакларнинг 80—85 фоизи очилганда иш бошлаб, дастлабки теримда режанинг 80—90 фоизи миқдоридаги ҳосилни йиғиштириб оладилар. Пахтани тоза, сифатли, терган хўжаликлар бир йўла йиллик режани уддалашади. Оммавий терим бошлангунга қадар айрим қўлда терилган майдонлар, ўқариқ ўринлари, йўл ёқалари, машиналар буриладиган жойлардаги ҳосил йиғиштириб олинади.

Жиззах пахтакорларининг мавсум олди йиғилишида йиғим-терим техникаси узлуксиз ёнилғи-мойлаш материаллари билан таъминлаш юзасидан вилоят нефть маҳсулотлари бошқармаси бошлиғи А. Огай, эҳтиёт қисмлари таъминоти ва таъмирлаш бошқармаси бошлиғи М. Эшбеков, вилоят пахта тайёрлаш ва қайта ишлаш трести бошқарувчиси О. Артукметов ва Давлат банки вилоят бошқаруви бош директори С. Эргашевларнинг ахборотлари тингланди. Оммавий сафарбарликни уюштириш, дала меҳнаткашларига зарур шарт-шароит яратиш борасида бир қатор шаҳар ва район ҳокимлари, айрим хўжаликлар раҳбарларининг сўзлари тингланди.

— Ҳисоб-китобларга кўра 20 минг гектарга яқин майдон қўлда терилиши керак, — деди вилоят ҳокими Э. Турсунов. — Кўпгина хўжаликлардаги бундай майдонлар дастлабки теримга тайёр. Лекин қўл терими асоссиз тарзда кечиктирилаётгани кечириб бўлмас ҳолдир. Чунки бу эрта-индин машина терими суръатига жиддий таъсир этиши шубҳасиз.

Вилоят ҳокими қўлда терилган ҳар бир килограмм пахта учун 3 сўмгача ҳақ тўлаш, теримчилар учун ҳеч бўлмаганда беш кунда иш ҳақи бериб туришни ташкил этиш ҳақида кўрсатма берди. Бир ой мобайнида маданий, маиший, тиббий хизмат турлари асосан далага кўчириладиган бўлди.

Йиғилиш қатнашчилари Жиззах воҳасининг суюкли фарзанди, давлат арбоби ва ёзувчи Шароф Рашидовнинг табаррук 75 ёши нишонланадиган кунгача йиллик режани уддалаб, тўйга келадиган меҳмонларни ёруғ юз билан кутиб олишга аҳд қилдилар. Йиғилиш қатнашчиларининг вилоят аҳлига оммавий сафарбарлик ҳақидаги мурожаатномаси қабул қилинди.

Йиғилишда вилоят ҳокимининг ўринбосарлари, ХДП вилоят кенгашининг биринчи котиби А. Азимов қатнашди.

Б. САТТОРОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

ТЕРИМ АГРЕГАТЛАРИ ИШГА ТУШДИ

Наманган вилоятида пахта йиғим-терими қизғин паллага кирди. Вилоят пахтакорлари бу йил 318 минг 737 тонна «оқ олтин»нинг 60 фоизини терим машиналари ёрдамида йиғиштириб олишга аҳд қилишган. Ана шу мақсадда 1400 га яқин терим агрегати пухта созланиб, тахт қилиб қўйилган эди. Уларнинг ҳар бири ёрдамида ўртача 120 тоннадан пахта териб олиш кўзда тутилмоқда.

Шу кунларда Поп, Задарё, Норин, Учқўрғон районлари далаларида пахта териш машиналари бир зум тинмаяпти. Терим агрегатларининг самарали ишлаши учун ҳамма жойда техника хизматини кўрсатилган гуруҳлар ташкил қилинган.

А. МАДАТОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

САФАРБАРЛИК

Элликқалъа районидаги уруғчиликка ихтисослаштирилган Оржоникидзе номли давлат хўжалигида пахтанинг асосан «Қизилравот» нави етиштирилади. П. Мўминов, М. Бобоназаров, С. Бобожонов бошлиқ бригадаларда кунига йиллик режанинг 5,5—6,5 фоизи миқдорида пахта тайёрланяпти. Ўнлаб теримчилар кўпмингкилограмчилар ҳаракатига қўшилган. Р. Рўзимова, Р. Сафарбоева, М. Сафарбоева, О. Низомов каби чеварлар кунига 150—180 килограммдан пахта теришяпти. Ҳар бирининг ҳозиргача терган пахтаси 3,5 — 4,5 тоннадан ошди.

— Яна икки-уч кундан кейин машина теримини бошлаб юборамиз, — деди давлат хўжалиги раҳбари Д. Бекчонов, — шунда ҳар куни қабул пунктига топширилаётган хом ашёнинг миқдори 4,5 фоизга етади. Пахта тайёрлаш режасини 25 иш кунида бажарамиз.

Р. ЕШИМБЕТОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

МАШИНА ТЕРИМИ ҚИЗҒИН

Қўл теримини вилоятда биринчилардан бўлиб бошлаган хатирчиликлар куни кеча далаларга терим техникасини ҳам олиб чиқишди. Бу тадбирни биринчи бўлиб райондаги Э. Абдиев номли жамоа хўжалиги механик-ҳайдовчилари бошлаб беришди. Бир кунда хўжалик бўйича бункерлардан тўкилган хом ашё 25 тоннани ташкил қилди. Айниқса, хўжаликнинг Н. Жумаев, Н. Қурбонов бошлиқ пудратчи звеноларида машина терими қизғин, Ўзаро беллашиб пахта тераётган Ш. Болтаев, Ш. Эргашев каби «эзангори» кема» механизаторларининг ҳар бири кунига 7 тоннадан дурдона теришди. Шунингдек, райондаги «Оқ олтин», Қ. Раҳматов номли жамоа хўжаликларида ҳам машиналар ёппасига пахтазорларга олиб чиқилди.

М. ШАРОПОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» АХБОРОТ-ТИЖОРАТ ХИЗМАТИ МУШТАРИЙЛАРИМИЗГА ХАБАР ҚИЛАДИ:

АЗИЗ ДЎСТЛАР!

Узоқ-яқиндаги қариндошлар, дўстлар ва биродарлар, таниш-билишларингизни байрамлар, юбилей, тўй ва таваллуд кунлари муносабати билан газетада қутлов эълон қилишни истайсизми?

Меҳнат илғорлари, бир жойда энг кўп йил бенуқсон ишлаганлар, давлат мукофотларига сазовор бўлганлар, ёшларнинг мураббийлари, уруш ва меҳнат фахрийларини корхона, хўжалик ва ташкилотлар номидан газетада суратлари билан табриклаб кўнглини шод қилишни истайсизми?

МАРҲАМАТ, ХИЗМАТИНГИЗГА ҲОЗИРМИЗ

Тошкент шаҳри ва унинг яқин-атрофидан сиз истаган тарзда табрик ва эълонлар матнини тузиш, сурат олиш, бошқа ахборотларингизни қабул қилиш учун ҳузурингизга редакция вакили боради. Сиз овора бўлиб юрмайсиз.

Бемалол телефон қилинг.

«СОТАМАН», «АЛМАШТИРАМАН», «СОТИБ ОЛАМАН», «ИЖАРАГА БЕРАМАН» ВА ҲОКАЗО ЭЪЛОНЛАРГА ГАЗЕТАМИЗ САҲИФАЛАРИ ОЧИҚ.

«ЭНГ ҚУЛАЙ, ЭНГ АРЗОН!»

Бугунги даврий нашрлар ичида эълон бериш учун «Ўзбекистон овози» энг арзон ва энг қулай газетадир. Бошқа жойларда эълонингиз чиқиши ҳафта, ўн кунлаб чўзилса, «Ўзбекистон овози»га бугун берилган эълон эртасига газет юзини кўради.

«Ўзбекистон овози»да чиққан эълон ва билдирувлар Ўрта Осиё ва Қозоғистон минтақасида яшовчи камида 30 миллионлик аҳоли ўртасида тарқалади. Харидор ва мижозларингиз бирданига юз, минг марта ортишига шубҳа йўқ!

Марҳамат, ҳузуримизга келинг, хат ёзинг, қўнғироқ қилинг:



• МАНЗИЛГОҲИМИЗ:

700000, Тошкент—ГСП,
Ленинград кўчаси, 32-уй,
3-қават, 314-ва 346-хоналар.

• ТЕЛЕФОНЛАРИМИЗ:

32-54-14 | 33-65-45 | 33-41-89

• *Биринчи марта*

АБДУЛЛА ҚОДИРИЙНИНГ ТЎЛА АСАРЛАР ТЎПЛАМИ

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Навоий номидаги Адабиёт институти Абдулла Қодирий меросини тўла ҳолда халққа етказиш мақсадида унинг етти жилддан иборат «Тўла асарлар тўплами»ни нашрга тайёрлади.

Бу нашрдан адибнинг «Ўтган кунлар» ва «Меҳробдан чаён» сингари машҳур асарлари билан бирга унинг қаламига мансуб барча битиклар жой олган бўлиб, улар биринчи марта тўла шаклда эълон қилинади. Бошқа оммавий нашрлардан фарқли ўлароқ ушбу куллиётдан ўрин олган барча бадиий асарлар, адабий-танқидий ва публицистик мақолалар ҳамда таржималарнинг тўла матнларидан ташқари, уларнинг мавжуд қўлёзма ва босма вариантлари ҳам китобхонлар эътиборига ҳавола этилади. Бундан ташқари, ҳар бир асар, мақола, таржима ёки хат тегишли тарихий-адабий мазмундаги шарҳлар билан таъминланади. Куллиётнинг сўнггиеттинчи жилдида эса Абдулла Қодирий устидан 1926 ва 1938 йилда бўлиб ўтган суд материаллари илмий изоҳлар билан чоп этилади.

Ушбу нашр улуғ адибнинг 1994 йилда нишонланажак 100 йиллиги муносабати билан амалга оширилмоқда.

Улуғ ўзбек адиби Абдулла Қодирий «Тўла асарлар тўплами»га обуна бўлишни унутманг!

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ ЁЗАДИЛАР

ДОРИШУНОСЛАР ПАХТАКОРЛАР ҲУЗУРИДА

● «ПАХТАОБОД» жамоа хўжалигининг Саломат Жўраева бошлиқ бригадаси дала шийпонига тушлик пайти кўчма дорихона келди.

Олтиариқ районидаги Бўрбонлиқ қишлоқ шўъроси ҳузурида жойлашган 58-дорихона мудири Р. Зуфаров пахта териш мавсумида иш кунининг иккинчи ярмини дала меҳнаткашлари орасида ўтказишга одатланган. Йиғим-терим қизиб, пахтакорлар учун ҳар дақиқа ғанимат бўлиб турган долзарб дамларда у глицерин, вазелин, лейкопластир, бинт, кўзоғриқ дорилари ва бошқа энг зарур тиббий воситаларни теримчиларнинг иш жойига олиб бормоқда.

— Терим мавсуми бошланиши билан қишлоқлардаги дорихоналар иш режимига қатъий ўзгартириш киритдик, — дейди Олтиариқ район марказий дорихонаси мудири Боқижон Ҳасанов.— Тушликдан сўнг навбати билан турли хўжалик далаларида зарур дори-дармонлар ва бошқа тиббиёт моллари савдоси ташкил этилмоқда. Турли дориларга буюртмаларни ҳам далада олиб, эртасига етказиб берилмоқда. Ҳабибулла Файзиев, Асатилло Фармонов сингари доришуносларимиз пахтакорларга ҳизмат кўрсатишда ўрнак бўлмоқдалар.

Алишер ИБОДИНОВ.

ЎҚУВЧИЛАР ИШЛАБ ЧИҚАРГАН БУЮМЛАР

Нукусда шаҳар ва район ҳунар-техника билим юртлари, мактаб ўқувчиларининг машғулотларда, дарсдан бўш пайтда ишлаб чиқарган халқ истеъмол буюмлари, қишлоқ хўжалиги экинларидан олинган ҳосилни сотишга бағишланган кўргазма очилди.

Ўттиз олти ҳунар-техника билим юрти ва Элликқалъа районидаги мактабларда тайёрланган 3,5 миллион сўмлик моллар кўргазмага қўйилди. Булар орасида ҳар хил кийим-кечаклар, темирёғочдан ясалган уй-рўзғор буюмлари бор. Айниқса, Тахиатош шаҳридаги 4-, Тўрткўл районидаги 28-, Хўжайли районидаги 1-, 36- ва бошқа ҳунар-техника билим юртлари ўқувчилари томонидан тайёрланган халқ истеъмол буюмлари харидорларнинг диққат-эътиборини ўзига жалб қилди.

Ҳозирги иқтисодий танглик шароитида зарур бўлган бундай буюмларнинг ишлаб чиқарилиши ўқув юртларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, ўқувчиларни рағбатлантириш, уларнинг турмуш шароитларини янада яхшилаш имконини бермоқда.

Кўргазмага ўттиздан ортиқ маҳсулот олиб келдик, — дейди 21ўрта ҳунар-техника билим юрти директори Гулимбай Аминов. — Бу ерда мева-сабзавотдан ташқари чорва маҳсулотлари ҳам мавжуд. Ўтган йили деҳқончиликдан олтмиш минг сўм даромад олган эдик. Бу йил эллик гектар ерда пахта, шоли, сабзавот ва бошқа экинлар етиштирдик. Булардан салкам бир миллион сўм даромад олишни режалаштирганмиз.

Р. ЕШИМБЕТОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

• ОСИЁ, АФРИКА ВА ЛОТИН АМЕРИКАСИ МАМЛАКАТЛАРИ XI ХАЛҚАРО КИНОФЕСТИВАЛИ ОЛДИДАН

ТОШКЕНТ «ОҚ ЙЎЛ» ТИЛАЙДИ

Телефонда — «Қозоқкино» Давлат концернининг ранси Оразбой РИМЖАНОВ.

— Биз, қозоғистонлик ижодкорлар учун ҳам ғоятда қимматли бўлган устоз санъаткор Малик Қаюмов ва унинг шогирдлари жонкуярликлари, азим Тошкентнинг меҳмондўстлиги, Ўзбекистон раҳбариятининг маданиятпарварлиги туфайли қарийб чорак асрдан бери муваффақиятли ўтиб келаётган бу нуфузли Халқаро кинофестиваль ҳақида ҳар қанча гапирсак оз. Худди шу анжуман туфайли Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатлари халқлари, хусусан, кинематографчилари ўртасидаги дўстлик алоқалари янада кучайди. Дунёнинг турли бурчакларида уюштириб туриладиган бирорта кинофестиваль тинчлик, ижтимоий тараққиёт ва халқлар озодлиги учун кураш мавзуида Тошкент анжуманичалик хизмат қилган эмас, десам хато қилмаган бўламан.

Кинофестиваль кинематография тараққиётига, турли мамлакатлар ижодкорлари ўртасидаги ўзаро ижодий алоқалар ва ҳамкорликларни ривожлантириш ишига ҳам катта ҳисса қўшмоқда. Яқиндагина ўз миллий кинематографиясига эга бўлган Африканинг кичкинагина давлатлари Тошкент Халқаро экранининг шарофати билан ўз фильмларини жаҳон кинотеатрларида намойиш этишяпти. Биз эса, анжумандан-анжумангача бўлган даврда яратилган фильмларимизни хорижлик дўстларимиз назарига ҳавола қилиб, уларнинг фикр-мулоҳазаларидан баҳраманд бўляпмиз. Ҳозирги даврнинг долзарб санъат муаммолари хусусидаги баҳс-мунозаралларда қатнашяпмиз. Тошкентнинг табаррук «Оқ йўл»и сабаб бўлиб, ўнлаб картиналаримиз эндиликда дунё экранларини кезиб юрибди.

Бундай имкониятларни яратиб бераётган Тошкент кинофестивали биз, анжуман иштирокчиларига алоҳида масъулият юклайди, албатта. Шу боисдан биз ҳар гал Тошкентга пухта тайёргарлик билан, энг яхши асарларимизни танлаб, уларнинг Халқаро кинофестиваль шиори ва даъватларига жавоб бериши учун интилиб, машҳур санъаткорларимиз билан келамиз.

Масалан, ўн биринчи кинофестиваль танлов комиссияси эътиборига ҳавола қилинган фильмларни анча барвақт аниқлагандик. Таниқли кинорежиссёримиз В. Пусурмоновнинг «Қайсар», О. Амирқуловнинг «Ўтрор ҳалокати», А. Шаеженбаевнинг «Жансибель», Д. Манабаевнинг «Суржекее» картиналари ана шундай асарлардан. Тарихий ва замонавий мавзуларга бағишланган бу киноленталарнинг режиссуралари ўзига хослиги билан ажралиб туради. Буни фильмларнинг премьерасида қатнашган мутахассислар ва кенг жамоатчилик бир овоздан эътироф этди.

Тошкент кинофестивалининг обрў-нуфузи бизни анчадан бери ҳаваслантириб келади. Яъни, жонажон юртимизда, Олмаотада шундай Халқаро кинофестиваль уюштириш ўйи билан яшаяпмиз. Республикамиз раҳбарияти таклифимизни маъқуллади. Худо ҳоҳласа, 1994 йилда биз ҳам Халқаро киноанжуман ўтказамиз. Биз уни уюштириш, ташкил этиш ва ўтказишда биринчи навбатда Тошкент тажрибасидан, дўстларимиз кўмагидан фойдаланамиз.

Мухбиримиз В. Молгачев бисотидан олинган ушбу суратларда аввалги кинофестиваль лавҳаларидан намуналар ва анжуманнинг сизга таниш бўлган фаол иштирокчиларини кўриб турибсиз.

СПОРТ

ТАЛАБАЛАР МАМНУН БЎЛИШДИ

● Республикамиз қишлоқларида жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш жойларда аҳоли саломатлигини мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этади.

Бу борада Тошкент давлат қишлоқ хўжалик университетида амалга оширилаётган хайрли ишлар ўз самарасини бермоқда. Университетда бўлажак қишлоқ хўжалик мутахассисларининг жисмоний жиҳатдан чиниққан, қоларверса спорт маҳоратларини оширган ҳолда катта ҳаётга йўлланма олишига эътибор қилинмоқда. Боиси, университетни тугатиб, қишлоққа йўлланма олган ёшлар ўзлари танлаган мутахассислик билан бир қаторда жойларда спорт ишларини жонлантиришларига ҳам катта умид боғланмоқда.

Куни кеча университетда ўтказилган спорт байрами ана шундай фикрларнинг ўзига хос ҳосиласи намойишига айланди.

Кураш, бокс, баскетбол заллари ҳамда сув ҳавзаси айниқса гавжумлашиб кетди. Сув ҳавзаси атрофидан ўрин олган талабалар спорт мусобақаларининг куй-қўшиқлар билан уйғунлашганлигидан мамнун бўлишди. Акробатикачилар, полвонлар ҳамда синхрон сузувчиларининг кўргазмали чиқишлари диққатга сазовор бўлди.

— Ёш авлодни соғлом ва билимли мутахассислар этиб тарбиялашда жисмоний тарбиянинг ўз ўрни бор, — дейди Тошкент қишлоқ хўжалик университети ректори Э. Шайхов. — Мустақиллик ва бозор иқтисодиёти шароитида илм олаётган қишлоқ хўжалиги бўлажак мутахассисларининг бўш вақтларини оқилона ташкил этишга алоҳида эътибор қилинмоқда. Талабалар 15 та спорт секциясида шуғулланишлари учун қулай шароитлар яратилган. Бугунги спорт байрамини ўтказишдан мақсад жисмоний тарбия ва спортнинг оммавийлигини таъминлашга ҳиссадор бўлишдан иборатдир.

Ш. ҚУРБОНОВ.

ТЎҚИМАЧИЛИК КОМБИНАТИ ҚУРИЛМОҚДА

«Узсельхозстрой»нинг Қорақалпоғистон республика бўлинмаларининг жамоалари Бўстон шаҳрида тўқимачилик комбинатини қуришга киришдилар. Уни 16 ойдан сўнг фойдаланишга топшириш мўлжалланмоқда.

Корхона цехларида Италиянинг замонавий технология ускуналарини ўрнатиш режалаштирилган. Мутахассислар Туркияда таълим олганларидан сўнг инструктор ҳўқуқига эга бўладилар ва зарур касб ходимларини ўзлари тайёрлайдилар. Бу ерда тузилган акционерлик жамияти молиявий базани таъминлайди. Акцияларнинг 60—65 фоизини колхоз ва совхозларга, 35—40 фоизини Амударё қуйи оқимидаги бошқа хўжаликларга ва хусусий кишиларга сотиш режалаштирилган.

Комбинатда 1993 йилнинг декабрида дастлабки маҳсулотни ишлаб чиқариш назарда тутилмоқда. Мутахассисларнинг фикрича, бир йилдан сўнг харажатларнинг ўрни қопланади.

Бўстон комбинати Қорақалпоғистондаги иккинчи, Нукусдаги комбинатдан кейинги йирик тўқимачилик комплекси бўлиб, Нукусдаги комбинат ҳам турк ишбилармонлари иштирокида қурилмоқда.

В. ТРОИЦКИЙ,
ЎзА мухбири.

• *Бу ҳақда нима дейсиз?*

БОЛАСИНИ ЎЛДИРГАН ОТА

ҲАМДАМ бобо аввалига бир зум карахт бўлиб турди, кейин воқеани англагач, салласи тушиб кетган бошини икки қўли билан чангаллаганича қолди.

— Эй, худо, нима гуноҳ қилган эдимки, бошимга бунча ғавғо соласан! «Боласини ўлдирди» деган таънани пайғамбар ёшимда қандай қилиб кўтараман, ахир, қандай қилиб...

Хотини билан қизининг уввос йиғиси таъсир қилдими, бобо ўрнидан ирғиб турди-ю, участковойнинг идорасига йўл олди. Эшиги қулф экан. Кейин Зиёвуддиндаги милиция хонага бориб, қўлидаги ов милтиғини навбатчининг олдига қўйди. Кўзидан ёш қалқиб, лаби титради.

— Болам, манави фалокат билан ўз ўғлимни ўлдириб қўйдим...

Бобонинг сўнгги сўзлари эшитилмай қолди. «Вой, юрагим, юрагим» деди-ю, кўкрагини чангаллаганча ерга йиқилди.

Абдували (Худо раҳмат қилсин) оилада эрка ўсди. Егани олдида, емагани кетида эди. Шу боисдан оғиздан чиққани амалга ошмаса ҳовлини бошига кўтарадиган бўлиб қолди. Айтгандай, отаона бора-бора ўғлининг бу хил инжиқликларига кўникишди ҳам.

Бир куни у уйга ниҳоятда маст ҳолда келди.

— Менга 28 минг сўм пул керак, бобой!

— Вой, болам, бунча пулни қаердан оламан?

— Карта ўйинида ютқаздим, билдингизми?! Эртага олиб бориб бермасам, ўғлим йўқ деяверинг. Уларни билмайсиз, бобой.

Чолу кампир талвасада ўғлига атаб қурган ҳовлини сотиб, пулни келтириб беришди. Лекин эрка ўғил кейин ҳам босилмади. Икки фарзанди бўла туриб оиласидан ажралди. Наша чекадиган бўлди...

Эҳ, қани энди чолу кампирнинг изтиробларини қоғозга туширишга юрак топилса?! Урганган кўнгил ўртанса қўймас, деганларидек, Абдували шу йил 6 май куни эрталаб падари бузрукворига яна рўбарў келди.

— Ота, агар чиндан ҳам отам бўлсангиз, менга... пул беринг. Тез беринг.!!

— Болам, пенсионер одам бунча пулни қаердан оламан?! Бошингга урасанми бунча пулни?!

— Нима, менинг оғзимга хўжайинмисиз? Хоҳласам ейман, хоҳласам...

Онаси, синглиси ҳам ялинишди. Уларни ҳам силтаб ташлади. Фақат «Менга пул керак, катта пул керак» дейди. Отанинг қон босими кўтарилиб кетди.

— Сени шундай бетайин қилиб тарбиялаган тақдиримга минг лаънат-эй!

— Ҳали шунақами? Кўрсатиб қўяман сизларга!

Абдували айвон тагида турган 40 та тўсинга саларка сепа бошлади.

— Ҳой бола, эсингни йиғ, неварамга уй қурмоқчиман-а!

Абдували қўлига гугуртни олди.

Ҳамдам бобо шашт билан уйга кирди ва деворга осиғлиқ турган ов милтиғини олиб чиқди...

Қолган воқеа сизларга маълум. Бу кўнгилсизлик Пахтачи туманидаги Ниёзжоби қишлоғида ҳамманинг кўз ўнгида куппа-кундуз куни рўй берди. Тўғри, иш тергов органларидан кейин суд мажлисида ниҳоясига етди... Илло ундан хулоса чиқариб олишни биз сиз, азиз муштарийлар эътиборига ҳавола этмоқчимиз. Айтингчи, пайғамбар ёшига кирган Ҳамдам бобо Ҳамроев тўғри йўл тутдими?

Қ. НУРМАТОВ,
Пахтачи тумани прокурори, учинчи даражали юрист.

Ф. ТОШЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

• *Материалларимиз изидан*

«ЭЗГУ ИШГА ПАНЖА ОРАСИДАН ҚАРАЛМАСИН»

Газетамизнинг шу йил 23 июль сонида юқоридаги сарлавҳа остида мақола чоп этилиб, унда Тошкент шаҳрида айрим кўчалар номлари, пешлавҳаларнинг Давлат тили тўғрисидаги қонунга хилоф эканлиги танқид қилинган эди. Ушбу мақола юзасидан Тошкент шаҳар ҳокими ижроия маҳкамаси ҳузуридаги Атамалар комиссияси масъул котиби Д. Саидовдан қуйидаги жавоб олинди:

— Юқоридаги сарлавҳа билан чоп этилган мақоладаги эътирозлар ўринли. Ҳақиқатан ҳам, айрим районлардаги мутасаддиларнинг ўз ишига, тилимизга лоқайдлиги боис эзгу ўзгаришлар поёнига етказилмай қолмоқда.

Пойтахт халқ ноиблари Кенгаши Раёсатининг 1991 йил 20 февралдаги қарори билан қарийб икки юзга яқин кўча атамаси халқимиз дили ва дидига мос номлар билан ўзгартирилди.

Барча ўзгаришлар бўйича Тошкент шаҳар ободонлаштириш Бош бошқармаси ҳисобидан янги кўрсаткичлар тайёрланиб, районларга тарқатилди. Атамалар комиссияси шаҳар миқёсида қабул қилинган қарорлар ҳамда «Давлат тили тўғрисида»ги Қонун қай даражада ижро этилаётганлигини ўзининг навбатдан ташқари йиғинида кўриб чиқди. Унда барча камчилик, муаммолар таҳлил этилиб, тегишли ташкилотларга зарур кўрсатмалар берилди. Айниқса, бинолар устига ўрнатилган чироқли шиорларнинг аксарияти талаб даражасида эмас. Жумладан, «Ўзбексавдо» уюшмасига, «Тошкентсавдо» концернига қарашли «Жемчуг», «Аметист», «Сувениры», «Десткий мир» каби пештахталар қонун талабига зиддир.

Пойтахт ҳокими ижроия маҳкамаси ва унинг Атамалар комиссияси амалга ошираётган хайрли ишлар балки бошқа маданий-маърифий идораларнинг ишлари ҳам баъзан соя остида қолиб кетмоқда. Бунга «Ўзбекистон овози»даги мақола билан чоп этилган суратлар ҳам гувоҳдир. Биргина «Мир и счастье детям всей земли» деган ёзувни Тошкент шаҳрининг бир неча марказий жойларида кўриш мумкин. Шунингдек, Пацаев, «14 Туркистон комиссарлари» каби ҳашаматли, бироқ юртимизга ёт бўлган ёдгорликлар ҳам ҳануз савлат тўкиб турибди. Уларни олиб ташлаш ҳақида кўрсатма берилса, жойлардаги раҳбарлар маблағ йўқлигидан шикоят қиладилар. Ваҳолонки, бу ишлар учун маблағдан ҳам кўпроқ уларда миллий ғурур етишмаётгани сир эмас.

Хулоса ўрнида, мақола муаллифи Т. Тошевнинг «Давлат тили тўғрисида»ги Қонундаги кўп бандлар қайта кўриб чиқилиши лозимлиги ҳақидаги фикрларига қўшиламиз. Қонун мустақил Ўзбекистон нуқтаи назари билан қайта кўриб чиқилмас экан, кўпгина амалий солиҳларимиз фақат «хўжакўрсин» учун бўлиб қолавериши аниқ.

СУРАГАН ЭДИНГИЗ...

СТАЛИННИНГ ИСМИ НЕЧТА?

Ҳурматли редакция ходимлари! Иосиф Виссарионович Сталиннинг ҳар хил номлари, лақаблари бор деб эшитамиз. Шулар ҳақида маълумот берсангиз.

Бир гуруҳ муштарийлар

Оилавий шарифи — Жугашвили.

Ўсмир Сталиннинг шеърий тахаллуси — Сосело.

Грузинлар — ёшликдаги дўстлар орасида — Сосо.

Фирқавий лақаб, тахаллус ва расмий шарифи—Сталин.

30-50-йиллардаги тарафкаш зиёлилар ўртасида — Хўжайин.

Маҳбуслар орасида — Мўйлов.

Қўриқчилар, тансоқчилар орасида — Чўтир.

НКВД — Иван Васильевич (Грозний).

Ҳарбийлар орасида — Олий.

Фирқадош грузинлар ўртасида — Коба.

Англия ва Америка сиёсатчилари, дипломатлари, журналистлари даврасида — Жо тоға.

Шахсга сиғиниш фош этилгандан сўнг «Сталин» шарифининг ўрнига «Ставка» атамаси қўлланила бошланди.

КЕЛГУСИ СОНЛАРДА ЎҚИЙСИЗ:

● АКС-САДО: И. А. КАРИМОВНИНГ «ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЎЗ ИСТИҚЛОЛ ВА ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИ» РИСОЛАСИНИ ЎҚИБ ● ОЙДИН ХОЖИЕВА ИЖОДХОНАСИДА

● ГАЗЕТХОНЛАР ИЛТИМОСИГА КЎРА: «ТЕМУР ТУЗУКЛАРИ» ВА УНГА ЗАМОНАВИЙ ШАРҲ ● НАМАНГАН: «КИОСКА ОРТИДАГИ ҚАРОҚЧИЛАР». (Фельетон). ● МИРЗА КАРИМ: «МОҲЛАРОЙИМ» РОМАНИДАН ПАРЧАЛАР.

Бош муҳаррир
Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ.

● Бизнинг манзилгоҳимиз: 700000, ТОШКЕНТ—ГСП ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32.
● Мурожаат учун телефонлар: Қабулхона — 32-55-15.
Ахборот-тижорат хизмати 32-54-14.

Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаа концернининг босмахонаси.
Газета офсет усулида А—2 форматда босилади ● Босишга топшириш вақти — 21.00 топширилди—20.30.
Г—394. № 196. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12.